

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

МУХИТДИНОВ УМИД ДАВРАНОВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАР АСОСИДА РЕАКЦИОН
ҚОБИЛИЯТИ ЮҚОРИ БЎЛГАН ТАБИИЙ ПОЛИМЕР ВА УНИНГ
МАҲСУЛОТЛАРИНИ ОЛИШНИНГ ИННОВАЦИОН
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.14 - Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Мухитдинов Умид Давранович

Маҳаллий хомашёлар асосида реакцион қобилияти
юқори бўлган табиий полимер ва унинг маҳсулотларини
олишнинг инновацион технологиясини ишлаб чиқиш 3

Мухитдинов Умид Давранович

Разработка инновационной технологии получения
высокореакционно-активных природных полимеров
на основе местного сырья 19

Mukhitdinov Umid Davranovich

Development of innovative technology
for obtaining highly reactive natural polymers
based on local raw materials 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 40

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

МУХИТДИНОВ УМИД ДАВРАНОВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАР АСОСИДА РЕАКЦИОН
ҚОБИЛИЯТИ ЮҚОРИ БЎЛГАН ТАБИИЙ ПОЛИМЕР ВА УНИНГ
МАҲСУЛОТЛАРИНИ ОЛИШНИНГ ИННОВАЦИОН
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.14 - Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

Техника фанлари бўйича фан доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/T560 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-саҳифаси (www.ik-kiyo.tnu.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сайфутдинов Рамизитдин
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оponentлар:

Қодиров Тўлқин Жумаевич
техника фанлари доктори, профессор

Акбаров Хамдам Икромович
кимё фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

ЎзР ФА Умумий ва ноорганик кимё институти

Диссертация химояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.04.01 рақамли Илмий Кенгашнинг «28» 08 2021 йил соат «10⁰⁰» даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўчаси, 32-уй. Тел.: (99871)244-79-20, факс: (99871)244-79-17, e-mail: tkti_info@edu.uz). Тошкент кимё-технология институти Маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (21 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: (100011, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўч.32. Тел.: (99871) 244-79-20).

Диссертация автореферати 2021 йил «13» 08 куни тарқатилди.
(2021 йил «13» 08 даги № 22 рақамли реестр баённомаси).



С.М.Туробжонов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
т.ф.д., профессор

Х.Э.Қодиров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
т.ф.д., профессор

У.Р.Раҳмонбердиев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида пахта линтидан физик-кимёвий хоссалари яхшиланган целлюлоза олиш технологияларини модернизациялаш борасида бир қанча амалий ишлар олиб борилмоқда. Республикамизда бир йилда ишлаб чиқарилувчи 87900 тонна пахта линтининг 42% қайта ишлашга яроқсиз бўлиб, улардан реакцион қобилияти юқори целлюлоза олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга қўллаш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда бир ва кўп йиллик ўсимликлардан қайта ишлашга яроқли, физик-механик хоссалари яхшиланган целлюлоза, реакцион фаоллиги юқори целлюлоза олиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада пахта целлюлозасига юқори кучланишли электр токи импульсларини юбориш орқали структурасидаги кристалл участкаларнинг камайиши, аморф участкаларнинг кўпайиши билан кимёвий фаоллиги оширилиб, этерификациялаш, ацетиллаш, полимерлаш жараёнлари орқали аввалдан белгиланган талаблар асосида плёнкалар, дори маҳсулотлари тўлдирувчилари, жарроҳлик иплари тузилиши ва хоссаларини шакллантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда охириги йилларда кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, рақобатбардош маҳсулот турлари ва ҳажмини кенгайтириш, маҳаллий хомашёлар асосида целлюлоза ва унинг эфирларини олиш, кимё, фармацевтика, озиқ-овқат, қоғоз саноатида қўллаш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «саноатни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, маҳаллий хомашё манбаларини чуқур қайта ишлаш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, янги турдаги маҳсулотлар ва технологияларни ўзлаштириш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, жумладан самарали усулларни қўллаб табиий полимерлар асосида реакцион қобилияти юқори целлюлоза олишнинг инновацион технологияларини яратиш, ацетатцеллюлоза плёнкаларининг сифат кўрсаткичларини янада ошириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сон «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги, 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 1 майдаги ПҚ-4302-сон «Саноат коорпорациясини янада ривожлантириш ва талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялари» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муоммонинг ўрганилганлик даражаси. Илмий техник адабиётларда целлюлоза, унинг ҳосилаларини олиш, хоссаларини ўрганиш ҳамда ишлаб чиқариш технологиялари бўйича маълумотлар кенг ёритилган.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, чет эл олимлардан Hernadi Alex, Fejes Ferenc, J.Kovcs, Raba Ruszhali, S.Annus, Helmy A.Samja, I.E.Atchison, L.Jimentz, P.A.Waston, P.A.Bacho, Hernadi Alex, Fejes Ferenc, Bhushan Mazumber Bibhati, Ohtani Yoshito, Same Shima Kazuhiko, Thomas Heinze. В.М.Никитин, Г.Л.Аким, Н.И.Никитин, В.Я.Бытенский, Е.Л.Кузнецова, Г.А.Петропавловский, З.А.Роговин, Н.И.Кленкова, Н.Н.Шоригина, Е.П.Широков, Г.П.Немцова, В.Н.Кряжев, М.П.Козлов, Д.М.Фляте, А.В.Оболенская, З.П.Ельницкая, А.А.Миронов, В.Н.Голубев, И.В.Волкова, Х.Н.Кумаланов ва бошқалар қайта ишлашга яроқсиз линтлардан юқори реакцион фаолликка эга бўлган, физик-кимёвий хусусиятлари яхшиланган целлюлоза ва унинг ҳосилалари олиш шароитларини ўрганишган.

Республикаimiz олимлардан пахта целлюлозаси ишлаб чиқариш технологияси соҳасида академиклар Ҳ.У.Усмонов, Т.М.Миркамилов ва Т.Ю.Тошпўлатов илмий мактаблари яратилган бўлиб, Ғ.Р.Раҳманбердиев, С.Ш.Рашидова, М.Т.Примкулов, Ш.М.Миркамилов, А.А.Сарымсаков, Р.С.Сайфутдинов, Д.Ҳ.Набиев, И.А.Набиева ва бошқалар илмий-тадқиқот ишларни олиб боришмоқда.

Шу билан бирга бир ва кўп йиллик ўсимликлардан кимёвий қайта ишлашга яроқли, физик-кимёвий хоссалари яхшиланган целлюлоза ва унинг мураккаб эфирларини олиш, пахта линти асосида ацетатцеллюлоза плёнкалари ишлаб чиқариш технологияларини яратиш йўналишида қатор илмий ишлар олиб борилмоқда.

Тадқиқотнинг мақсади кимёвий қайта ишлашга яроқсиз пахта линти асосида реакцион фаоллиги юқори табиий полимерлар олишнинг инновацион технологиясини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

пахта целлюлозасига юқори кучланишли электр импульсларни юбориш орқали унинг структурасида мавжуд бўлган кристалл участкаларни аморф участкаларга айлантириш, пахта целлюлозанинг кимёвий реакцияга мойиллигини бир неча мартаба ошириш;

пахта целлюлозасининг структурасидаги кристалл участкаларнинг максимал равишда камайишига эришиш ва электр импульс ишлов беришнинг оптимал параметрларини аниқлаш;

яратилган пахта целлюлозасининг кимёвий реакцияга киришиш тезлигини оширишга мос бўлган электролитларни аниқлаш;

чет элдан келтириладиган қиммат баҳо ёғоч целлюлозасини ўрнига кимёвий реакцияга киришиш қобилиятига юқори бўлган, сифатли целлюлоза яратиш;

Б тип II-нав пахта линти асосида кислород-ишқорли усул билан целлюлоза олиш технологиясини оптимал шароитлари ишлаб чиқиш ва унинг асосий сифат кўрсаткичларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Б тип II-навли пахта линти, пахта целлюлозаси, электр импульс қурилмаси, электролитлар, ацетатцеллюлоза ва ацетатцеллюлозали плёнкалардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети Б тип II-нав пахта линтидан кислород-ишқор усулида олинган целлюлоза, юқори кучланишли электр импульси таъсирида олинган пахта целлюлозаси ва тайёр маҳсулотнинг физик-кимёвий кўрсаткичларини аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация кимёвий (рентген XRD-6100), физик-кимёвий (дифрактограмма IRAffinity-1 Shimadzu), физик-механик (титрлаш ЦЛН-1) усуллар ва эксплуатацион хусусиятларини аниқлашда стандартлаштирилган синов услубларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат:

Б тип II-нав пахта линтидан 2 % ишқор сарфлаб, 1,0 МПа кислород босимида, 130 °С ҳарорат ва 180 дақиқада полимерланиш даражаси ҳамда оқлилиги мейёрларга мос целлюлоза олинган;

юқори кучланишли электр импульслар таъсирида, Б тип II-нав пахта линтидан олинган целлюлоза структурасида мавжуд кристалл участкаларни аморф участкаларга айлантириш билан реакцияга мойиллиги ошиши исботланган;

кучсиз асос ва кислота қолдиқлари шароитида юқори зарядланган электр импульслар таъсирида олинган реакцион фаоллиги оширилган пахта целлюлозаси ациллаш реакцияларида юқори самара бериши асосланган;

фаоллиги оширилган пахта линти асосида букилишлар сони 2880 - 3450, узилишдаги узунлиги 25,6 - 31,1 % бўлган шаффоф ацетат целлюлоза плёнкаларининг механик мустаҳкам исботланган;

кимёвий қайта ишлашга яроқсиз пахта линти асосида реакцион фаоллиги юқори табиий полимерлар олишнинг инновацион технологияси яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қайта ишлашга яроқсиз пахта линти асосида реакцион қобилияти юқори целлюлоза олишнинг оптимал шароитлари ишлаб чиқилган;

юқори зарядланган электр импульслар таъсирида олинган реакцион фаоллиги оширилган пахта целлюлозадан юқори сифатли ацетатцеллюлоза ишлаб чиқариш технологияси яратилган;

ацетатцеллюлоза асосида сифат кўрсаткичлари ГОСТ 30102-93 талабларига мос келадиган, физик-механик кўрсаткичлари юқори бўлган плёнкалар олинди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий физик-кимёвий ва технологик тадқиқотлардан фойдаланиш, ишлаб чиқаришга жорий этилишини

тадқиқлаш, шунингдек, физик-кимёвий хоссалари яхшиланган целлюлоза ва унинг мураккаб эфирларини олиш, пахта линти асосида ацетатцеллюлоза ишлаб чиқариш технологияларининг яратилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти пахта линти Б тип II-навидан олинган юқори сифатли пахта целлюлозасининг физик-кимёвий ва структура хоссаларининг яхшилаш ҳисобига, олинган маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичлари ўртасида боғлиқликнинг илмий асоси яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти республикада мавжуд хомашёлардан кимёвий реакцияга осон кириша оладиган целлюлоза олиш ва олинган маҳсулотларни кимё саноатининг ҳамда енгил саноатнинг турли тармоқларида фойдаланишга тавсия этишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Пахта линтининг Б тип II-нав хомашёсидан юқори сифатли целлюлоза ва ацетатцеллюлоза ишлаб чиқариш ва қўллаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

реакцион қобилияти юқори бўлган целлюлоза ҳамда ацетатцеллюлоза олиш технологияси «Farg'ona Kimyo Zavodi» МЧЖ корхонасида амалиётга жорий этилган («O'zkiyosanoat» АЖнинг 2020 йил 27 ноябрдаги 23-3-4629-сон маълумотномаси). Натижада Б тип II-нав пахта линтини 100% қайта ишлаш ҳамда чет-элдан келтирилаётган ёғоч целлюлозасининг ўрнини босувчи целлюлоза ва ацетатцеллюлоза ишлаб чиқариш имконини берган;

сифат кўрсаткичлари яхшиланган ацетатцеллюлоза плёнкалари ишлаб чиқариш технологияси «Farg'ona Kimyo Zavodi» МЧЖ корхонасида амалиётга жорий этилган («O'zkiyosanoat» АЖнинг 2020 йил 27 ноябрдаги 23-3-4629-сон маълумотномаси). Натижада мустақамлиги 16,5 Р-км, чўзилишдаги узилиши 31,1%, икки тамонлама букилишлар сони 2880 дан 3450 гача оширилган ацетатцеллюлоза плёнкалари ишлаб чиқариш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та конференцияда, шундан 5 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, жумладан 4 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 100 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий

натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Целлюлоза ишлаб чиқариш технологиясининг замонавий ютуқлари ривожланиш тенденциялари»** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётларнинг таҳлили батафсил баён этилган. Маълумотлар умумлаштирилган ва илмий таҳлил қилинган. Юқори сифатли целлюлозалар асосида унинг турли хил ҳосилалари (этилцеллюлоза, карбоксиметицеллюлоза, ацетатцеллюлоза, нитратцеллюлоза, ацетобутиратцеллюлоза ва бошқалар) олинган бўлиб, улардан пластмасса (этрол, целлюлоид), юқори эластик ва оловга бардошли плёнкалар ва сунъий толалар, целлюлозани модификация қилиш орқали сорбентлар, ион алмашинувчилар ҳамда физиологик фаол полимерлар каби қишлоқ ва халқ хўжалигида, тўқимачилик енгил саноати ҳамда тиббиётда кенг қўлланиладиган маҳсулотлар олиниши ва технологияси етарлича ўрганилмаганлиги келтириб ўтилган. Илмий адабиётларни таҳлилий хулосаларидан келиб чиқиб, диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати, мақсади ва вазифалари белгилаб олинган.

Диссертациянинг **«Изланиш объектлари, олинган маҳсулотларнинг физик-кимёвий хоссалари, олиниши ва тадқиқ қилиш усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотни олиб бориш учун зарур бўлган асосий хомашёлар, кимёвий реагентларнинг физик-кимёвий хоссалари, олиниш усуллари, электр импульсларни ўрганиш, олинган целлюлозалар асосида унинг мураккаб эфирлари бўлган ацетатцеллюлоза олиш, ҳамда уларнинг хоссаларини ўрганиш методикалари келтирилган.

Диссертациянинг **«Пахта целлюлозаси ишлаб чиқаришнинг самарали ва инновацион усуллари тадқиқ қилиш»** деб номланган учинчи бобида пахта саноати корхоналарида ҳосил бўладиган паст навли пахта линти асосида кислород-ишқорли усулда пахта целлюлозасини олиш бўйича тадқиқотлар натижалари ҳамда уларнинг таҳлили келтирилган.

1-жадвал

Кислород-ишқорли пиширишнинг асосий параметрларини целлюлозанинг сифат кўрсаткичларига таъсири

№	Кўрсаткичлар	Б тип II-нав
1	Масса концентрацияси, %	8
2	Ишқор сарфи, %	2
3	Кислород босими, МПа	1,0
4	Температураси, °С	130
5	Пишириш вақти, мин.	180

Кислород-ишқорли пиширишнинг асосий параметрларининг целлюлозанинг сифат кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш натижасида Б тип II-нав линти учун куйидаги оптимал пишириш шароити яратилди (1-жадвал). Жадвалдаги маълумотлар шуни кўрсатадики, кислород-ишқорли усулда пиширишнинг вақти (180 мин), температураси (130°С), кислород босими (1.0 МПа) каби параметрлари танланди.

2-жадвал

Б тип II-нав пахта целлюлозасининг сифат кўрсаткичларига кислород-ишқорли пиширишда NaOH сарфининг таъсири

№	Ишқор концентрацияси, %	Целлюлоза миқдори, %	Целлюлозанинг сифат кўрсаткичлари					
			Лигнин миқдори, %	Оқлик даражаси, %	α-целлюлоза миқдори, %	ПД	Ёғ-мум миқдори, %	Кул миқдори, %
1	0,5	86,3	0,33	69	98,2	2034	0,41	0,33
2	1,0	85,7	0,25	71	98,2	1899	0,37	0,27
3	1,5	83,9	0,24	74	98,4	1750	0,34	0,25
4	2,0	82,3	0,22	76	99,2	1655	0,31	0,19
5	2,5	79,5	0,22	79	99,1	1476	0,20	0,20

Масса концентрацияси - 8%; кислород босими - 1,0 МПа; ҳарорати - 130°C; вақти - 180 минут.

3-жадвал

Б тип II-нав пахта целлюлозасининг сифат кўрсаткичларига кислород босимининг таъсири

№	Кислород босими, МПа	Целлюлоза миқдори, %	Целлюлозанинг сифат кўрсаткичлари					
			Лигнин миқдори, %	Оқлик даражаси, %	α-целлюлоза миқдори, %	ПД	Ёғ-мум миқдори, %	Кул миқдори, %
1	-	91,4	1,27	41	95,1	2238	0,66	0,47
2	0,25	88,7	0,79	55	97,1	2198	0,43	0,34
3	0,5	83,5	0,46	62	98,3	1899	0,34	0,25
4	1,0	82,3	0,22	76	99,2	1655	0,31	0,19
5	1,5	78,1	0,13	83	96,3	1047	0,15	0,17

Масса концентрацияси - 8%; ишқор сарфи; Б тип II-нав линт учун хомашёнинг оғирлиги бўйича - 2,5%; ҳарорати - 130°C; вақти - 180 минут.

Олинган целлюлозанинг сифат кўрсаткичларига кислород босимининг таъсири аниқлаш мақсадида тажрибалар ўтказилди. Тажрибалар натижалари 4- ва 5-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Б тип II-нав пахта целлюлозасининг сифат кўрсаткичларига пишириш ҳароратининг таъсири

№	Пишириш температураси, °C	Целлюлоза миқдори, %	Целлюлозанинг сифат кўрсаткичлари					
			Лигнин миқдори, %	Оқлик даражаси, %	α-целлюлоза миқдори, %	ПД	Ёғ-мум миқдори, %	Кул миқдори, %
1	100	89,7	0,88	52	97,1	2249	0,62	0,53
2	120	84,9	0,41	71	98,6	1791	0,37	0,32
3	130	82,3	0,22	76	99,2	1655	0,31	0,19
4	140	79,5	0,19	81	98,1	1418	0,17	0,15
5	150	74,9	0,12	83	97,8	1210	0,10	0,11

Масса концентрацияси – 8%; ишқор сарфи хомашё массасининг – 2,5%; кислород босими – 1,0 МПа; вақти – 180 минут.


Б тип II-нав пахта целлюлозасининг сифат кўрсаткичларига пишириш вақтининг таъсири

№	Пишириш вақти, мин.	Целлюлоза миқдори, %	Целлюлозанинг сифат кўрсаткичлари					
			Лигнин миқдори, %	Оқлик даражаси, %	α-целлюлоза, %	ПД	Ёғ-мум миқдори, %	Кул миқдори, %
1	60	92,7	1,94	59	93,9	2148	0,53	0,97
2	120	89,1	0,93	63	96,5	1917	0,48	0,62
3	180	82,3	0,22	76	99,2	1655	0,31	0,19
4	240	84,6	0,47	71	97,1	1783	0,39	0,45
5	300	76,7	0,13	82	98,8	1431	0,15	0,16


Масса концентрацияси – 8%; ишқор сарфи хомашё массасининг – 2,5%; кислород босими – 1,0 МПа; ҳарорати – 130⁰С.

Жадваллардан кўринадики, пишириш тизимига молекуляр кислородни киритиш орқали қолдиқ целлюлоза таркибида қолиб кетган лигнин миқдорини кескин камайтиради. Кислород босимининг 1,0 МПа га кўтарилиши билан барча ўрганилаётган намуналар таркибидаги α-целлюлозанинг миқдори максимал даражада ошиши ва Б тип учун α-целлюлозанинг миқдори 99,2% га етиши аниқланди. Кислород босимининг янада ошишида α-целлюлоза таркибининг камайиш эҳтимоли ошди. Бу целлюлозанинг полимерланиш даражасининг пасайиши билан ҳам кўрсатилади. Олиб борилган тажрибалардан маълум бўлдики кислород босимининг 1,0 МПа дан ошиши пахта целлюлозасининг сифатига таъсири юқори даражада бўлмаслиги маълум бўлди.


Пахта целлюлозасини водород пероксидда оқартириш жараёнида стабилизатор сифатида натрий силикатдан фойдаланилади, унинг оптимал шароитини ўрганилди. Целлюлозанинг оқартириш жараёни водород пероксининг 1,5-2,5% да амалга оширилди ва бу оптимал параметр сифатида аниқланди.



1-расм. Б тип II-нав пахта линти целлюлозасининг сифат кўрсаткичларига H₂O₂ концентрациясининг таъсири.



2-расм. Б тип II-нав пахта линти целлюлозасининг сифат кўрсаткичларига оқартириш температурасининг таъсири.



3-рассм. Б тип II-нав пахта линти целлюлозасининг сифат кўрсаткичларига оқартириш вақтининг таъсири.

Барча тажрибаларда оқартириш массанинг концентрацияси 7%, ҳарорат 60°C, вақти 45-60 минут, 1,5% ҳамда давомийлиги 80-90 минут бўлди. Натрий силикат 1,5% дан фойдаланганимизда юқори натижага эришилди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, оқартириш вақтининг юқори ошиши билан целлюлоза массасининг иккиламчи сарғишига олиб келади.

Жадвалдаги ўрганиш натижалари келтирилган 1-3 графикларда ўз тасдиғини топди.

Олинган целлюлоза таркибидаги темир ионларини миқдорини камайтириш мақсадида унга хлорид кислота билан ишлов берилди. Бу жараённинг масса концентратияси 7%, ишлатилган хлорид кислота миқдори 1,0%, ишлов бериш ҳарорати 20-35°C, қайта ишлаш вақти эса 60 минут бўлган шароитида оптимал сифат кўрсаткичларига эришилди.

Диссертациянинг «**Пахта целлюлозасини реакцион қобилиятини ошириш ва қўлланилиш соҳаларини тадқиқот қилиш**» деб номланган тўртинчи бобида пахта целлюлозасига юқори кучланишли электр импульсларни таъсир эттириш орқали унинг реакцион фаоллигини ошириш мумкинлигига оид тадқиқот натижалари келтирилган.


Пахта целлюлозасининг кимёвий қайта ишлашда реакцияга киришиш қобилияти кўп йиллик ўсимликлардан олинган целлюлозаларга нисбатан анча паст бўлади, бунинг сабаби унинг структурасидаги кристалл ва аморф участкаларнинг мавжудлиги. Кимёвий реакцияга аморф ва кристалл участкалар турлича киришди.

Кимёвий реагентлар целлюлозанинг аморф участкасидаги функционал гуруҳлар билан осон реакцияга киришади, лекин кристалл участкаларидаги целлюлозанинг функционал гуруҳларига бу реагентларнинг кириб бориши қийинлашиши оқибатида кимёвий реакциялар амалга ошмай қолади. Бунинг оқибатида целлюлозанинг бир қисми кимёвий реакцияга киришиб бошқа қисми киришмай қолади. Натижада олинган маҳсулотларнинг сифати мутлақо талаб даражасида бўлмайди.


Олиб борилган илмий тадқиқот ишларнинг натижаларига кўра, пахта целлюлозасига юқори кучланишли электр импульсларни таъсир эттириш, улардаги кристалл участкаларни камайтиришга олиб келиниши ва бунинг

натижасига кўра целлюлозанинг кимёвий реакцияга киришиши фаоллиги оширишга эришилди.

Экспериментал равишда 11-13 кВ оптимал кучланиш эканлигини, унда пахта целлюлозасининг реакция фаоллигининг максимал қийматларига эришилиши топилди. (4-расм).



V - целлюлозанинг реакция фаоллиги;
U - электр разрядининг кучланиши.
4-расм. Пахта целлюлозасининг реакция фаоллигини кучланишга боғлиқлиги.




V - целлюлозанинг реакция фаоллиги;
n - электр импульсларнинг сони.
5-расм. Пахта целлюлозасининг реакция фаоллигини оширишга импульслар сонининг боғлиқлиги.

5-расмда пахта целлюлозасининг реакция фаоллиги ошишининг электр зарядларининг импульслар сонига боғлиқлиги келтирилган.

Олинган натижаларга кўра, 12 кВ кучланишда пахта целлюлозасининг реакция фаоллиги 6-8 гача, уни аста-секин 22-24 импульсларгача кўтариб, максимал қийматга эришилди.

Шундай қилиб, олиб борилган тажрибаларнинг натижасига кўра импульснинг оптимал қиймати 22-24 аниқланди.



V - целлюлозанинг реакция фаоллиги;
C – электр токиннинг конденсаторлар сифими.
6-расм. Пахта целлюлозасининг реакция фаоллигини оширишга конденсатор сифимининг боғлиқлиги

Кейинги тадқиқотларда разряд кучланиши ва импульслар сони доимий қабул қилинди ва конденсаторнинг сифими 0,1 мкФдан оширилди.

Юқори кучланишдаги электр импульс таъсирида олинган целлюлозанинг реакция фаоллигини ошириш жараёнда, ишлатиладиган электролитнинг табиатига боғлиқлиги аниқланди. Олиб борилган тажрибаларга кўра, кучли

асос ва кучли кислота қолдиғидан иборат электролит бўлса, юборилаётган электр импульслари целлюлозанинг сиртидан ўтиб кетиши, ёки целлюлозани куйдириш ҳолатига олиб келади.

Агарда кучсиз асос ва кучсиз кислота қолдиғидан иборат бўлган электролит электр импульс зарядлари ишлатилиш ҳисобига, юборилаётган электр импульслар зарядларини целлюлозанинг сиртки ва ички қисмларига бир хилда тарқалиш юқорида кўрсатилган камчилик қайтарилмайди. Шу мақсадда биз электролит тариқасида аммоний карбонат тузининг сувдаги эритмасини ишлатдик.

Танланган электролитимиз аммоний карбонат тузининг эритмасидан иборат бўлиб, электр импульсининг ўтиши даврида NH_3 ва CO_2 газларига ажралади, электр зарядлари орқали целлюлозани реакция қобилиятини ошириш билан бир қаторда, ажралиб чиқаётган NH_3 ва CO_2 газлари ҳам ўз навбатида кристалл участкаларни камайишига ва аморф участкаларни ошишига олиб келади. Ушбу газсимон моддалар целлюлоза макромолекулалари орасидаги водород боғларининг узилишига ва толанинг аморф кўринишига олиб келиши маълум бўлди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, ишлатилган аммоний карбонат жараёни тугагандан сўнг, целлюлозани қуриштириш жараёнида ҳавога учиб кетиб, целлюлоза таркибида қолмайди. Бошқа ишлатилиши мумкин бўлган электролит тузларидан аммоний карбонат тузининг афзаллиги шунда яққол намоён бўлди.

Конденсатор сиғимнинг паст кўрсаткичларида пахта целлюлозасининг реакция фаоллиги оширига қуввати етмайди. Унинг сиғми (С) камида 0,6 мкФ катта бўлиши керак.

Тажрибалар натижаларига кўра пахта целлюлозасининг максимал реакцияга қобилиятини таъминлаш учун қуйидаги оптимал режим ва параметрлар аниқланди:

Кучланиш таъсири (U): 11-13 кВ,

Импульслар сони (n): 22-24,

Конденсатор сиғими (С): 0,6 мкФ юқори.


Олинган натижаларнинг ишончлилигини аниқлаш учун кейинги тадқиқотлар рентгенофаза таҳлили орқали таркиби ўзгаришларни ўрганишга қаратилган.

Рентген фазаларини таҳлил қилиш маълумотларига кўра (7-расм), олинган намуналарнинг кристаллик даражасини ва дастлабки микрокристаллик целлюлоза (1-3 намуналар) билан таққослаб баҳолаш мумкин.


Аммоний карбонат 3-намунаси рентген дифрактограмма схемасида ҳисоблаш учун етарли интенсивлиги бўлган алоҳида кристалл участка пиклар шаклида кўриниши, намунада аммоний карбонат маълум даражада борлиги хулосага келамиз. Рентген фазасини таҳлил қилиш услубида ва 3-намунадаги дифрактограмманинг миқдорий таҳлилини ўтказган ҳолда, 3-намунада 4,79% аммоний карбоната борлиги аниқланди. Бундай ҳолда, 3-намуна учун, 5% эритмали мавжудлиги кристалл участкаларни қўшимча пикларининг пайдо

бўлишига олиб келишига қарамай, кристалл участкалари тўлиқ камайиши кузатилди.


2-намунадаги диффрактограммани таҳлил қилиш учун ритвел усулидан фойдаланиш, барча диффрактограмманинг профилининг назарий чизиғини унинг экспериментал профилига аниқлаштириш ва яқинлаштириш учун энг кичик квадратлар усулидан фойдаланиб, кристалл структурани таҳлил қилиш ва микрокристаллик целлюлоза ва аммоний карбонатнинг кристаллик фазаларидан акс этганда ишончли натижаларни олиш имконини беради.



1-намуна



2-намуна



3-намуна

7-расм. Пахта линти асосида олинган ацетатцеллюлозанинг рентген таҳлили:


- 1 - пахта целлюлозаси; 2 - электр импульс таъсир эттирилган пахта целлюлозаси;
3 - электролит ва электр импульс таъсир эттирилган пахта целлюлозаси.

Намуналарни идентификациялаш диффракция чизиқлари асосида амалга оширилди, улар компьютер томонидан бошқариладиган XRD-6100 (Shimadzu, Япон) аппаратида аниқланди. Биз CuK_α -нурланишидан (β -филтри, Ni, ток ва трубкадаги кучланиш 30 mA, 30 kV нинг 1,54178 шароити) ва 0,02 градусли кадам билан 4 град/мин доимий детекторнинг айланиш тезлигини аниқланди, ($\omega/2\theta$ -ёпишиш) ва сканерлаш бурчаги 4 дан 80° гача ўзгарган.

Шундай қилиб, целлюлозани юқори кучланишли электр импульси билан қайта ишланган 2-намуна, целлюлоза тузилиши деярли ўзгармайди, яъни целлюлоза аморф участкалари ўзгармаган.

Аммоний карбонат тузининг электролити билан ишлов берилгандан сўнг электр импульс таъсиридан целлюлоза намунаси аморф участкалари кўпайди ва целлюлозанинг кристалл участкаларнинг 220 та пиклари тўлиқ камайиши 3-намунада кўрсатади.

Юқорида келтирилган 3-намуна целлюлозаснинг дастлабки ацетиллаш жараёни орқали триацетилцеллюлоза олгандан сўнг, боғланган сирка кислотасининг таркиби ва алмаштириш даражаси (АД) 8-расмда аниқланди.



8-расм. Триацетилцеллюлозанинг алмашилиш даражаси:
 1-пахта целлюлозаси; 2-электролит билан қайта ишланган целлюлоза;
 3-электролит ва электр токи импульси билан қайта ишланган целлюлоза.

8-расмда кўришиб турибдики 1-намуна қайта ишланмаган пахта целлюлозаси асосидан олинган триацетатцеллюлоза (ТАЦ)нинг γ -алмашилиш даражаси 262, 2-намуна электролит билан қайта ишланган целлюлозаси асосидан олинган (ТАЦ)нинг γ -алмашилиш даражаси 276, 3-намуна электролит ва электр ток импульс билан қайта ишланган целлюлозаси асосидан олинган (ТАЦ)нинг γ -алмашилиш даражаси 289 етти, бунда γ -алмашилиш даражаси юқори сифатли триацетатцеллюлоза олишга эришилди.

6-жадвалда ацетатцеллюлоза плёнкаларининг физик-кимёвий хусусиятлари ўрганилди.

6-жадвал

Ацетатцеллюлоза эритмасининг физик-кимёвий хусусиятлари

№	Пахта целлюлозасининг намуналари	Физик-кимёвий хусусиятлари			
		Шаффофлиги, %	Филтрланиши, см ³ /70 мин	Ковушқоқлиги, ПаС	*СК
1	Целлюлоза намунаси	52,3	295	31,1	9,2
2	Электролитли пахта целлюлозаси	70,2	334	28,4	11,8
3	Электролит ва электр токи билан қайта ишланган пахта целлюлозаси	77,3	535	27,5	14,9

*Сифат кўрсаткичлари (СК) – Спейшен Француз фирмаси томонидан целлюлозани кимёвий қайта ишлашга мойиллик даражаси кўрсаткичи деб олинган атама бўлиб, ковушқоқликни филтрланиш кўрсаткичига кўпайтмасини 1000 бўлинган қийматга тенг.

6-жадвалдан кўришиб турибдики, энг юқори сифат кўрсаткичи кучсиз электролит билан намланган ва электр заряд билан ишланган пахта целлюлозада, 3-намунада кузатилди. 1- ва 2-намуналарда нисбатан паст кўрсаткичларда маълум бўлди.

Олинган плёнкаларнинг физик-механик хусусиятларини ўрганиш учун триацетатцеллюлоза плёнкалари қуйилди. Бунинг учун 9:1 метилен хлорид – метанол аралашмасида 5% эфир эритмаси тайёрланди. Олинган эритма шиша сиртга қуйилди. Эритувчи буғлангандан сўнг шиша юзасида эфир плёнкаси ҳосил бўлди. Плёнканинг қалинлиги 0,11 мм атрофида ўзгарган. Қуритишдан

сўнг ва ички кучланиш камайгандан сўнг плёнкалардан намуналар олиб, таҳлил қилинди.

7-жадвалда олинган плёнкаларнинг физик-механик параметрлари берилган.

7-жадвал


Ацетатцеллюлоза плёнкасининг физик-механик хоссалари

№	Ацетат целлюлозанинг сифат кўрсаткичлари	Физик-механик кўрсаткичлари		
		Мустаҳкамлиги, Р-км.	Узилишдаги узунлиги, %	Икки томонлама букилиши сони
1	9,2	13,8	25,6	2880
2	11,8	15,3	27,7	3060
3	14,9	16,5	31,1	3450

Юқоридаги 7-жадвалда целлюлоза асосида олинган ацетат плёнкаси 3-тажрибада юқори физик-механик хусусиятларга эга бўлган.

Шундай қилиб, ацетат плёнкаларининг сифати энг юқори кўрсаткичи электролит билан намланган ва электр заряд билан ишланган пахта целлюлозаси асосида олинган триацетатцеллюлозаси ўрганилди.

Юқоридаги тадқиқотлар асосида кимёвий реакцияларга фаол пахта целлюлозасини олишга мўлжалланган технологик схема ишлаб чиқилди (9-расм).



9-расм. Кимёвий реакцияга фаол пахта целлюлозасини олишнинг технологик схемаси:

1- ва 5-насослар; 2-хомашёни йиғувчи жиҳоз; 3-эритма тайёрлаш цилиндри; 4-эритма ва хомашё аралаштиргич; 6-пишириш қозони; 7-массани оқартириш жиҳози; 8-электролит эритмасини тайёрлаш жиҳози; 9-целлюлозани электролит билан аралаштиргич; 10-массани сиқиш жиҳози; 11-конвейр; 12-электр импульс берувчи қурилма; 13-нейтраллаш ҳавзаси; 14-қуриштириш аппарати.

Дастлаб хомашёни механик қўшимчалардан тозаланади сўнг тозаланган пахта линти (1) насос ёрдамида (2) хомашёни йиғувчи жиҳозга юборилади, ушбу жиҳозда йиғилган хомашё (3) аввалдан тайёрланган ишқор (NaOH)

эримаси билан биргаликда (4) аралаштиргичга йўналтирилади, масса бир маромда аралаштирилгандан сўнг (5) насос орқали пишириш қозонига (6) солинади. Хомашё пишириш қозонида 3 соат давомида пиширилгандан кейин уни оқартириш жиҳозига (7) юборилади, масса у ерда 1 соат давомида оқартирилади, оқартирилган массага тайёрланган аммоний карбонат эритмаси билан (8) жиҳозидан (9) масса ҳамда $(\text{NH}_4)_2\text{CO}_3$ эритмаси аралаштирилади. Сўнгра масса нам бўлганлиги учун (10) сиқиш жараёни амалга оширилади. Масса конвейр (11) орқали электр импульс берувчи (12) қурилмага юборилади ва у ерда массага ток берилади, сўнгра масса нейтраллаш учун (13) ҳавзага юборилади. Охириги босқичда (14) қуриштириш жараёни амалга оширилади.

Кўрсатилган технологик схемага мувофиқ олинган пахта целлюлозаси ишлатилиш соҳасига қараб йўналтирилади.

ХУЛОСАЛАР

1. Б тип II-нав пахта линтидан кислород-ишқор усули билан пишириш ва унинг асосий сифат кўрсаткичлари аниқланди. Олинаётган пахта целлюлозанинг сифатига таъсир этувчи асосий омиллар таъсири ўрганилиб, технологик жараённинг мақбул шароитлари тавсия этилган.

2. Илк бор пахта целлюлозасига юқори кучланишли электр токи импульсларини юбориш орқали унинг структурасидаги кристалл участкаларнинг камайиши ва аморф участкаларнинг кўпайиб боришига эришиш мумкинлиги ва бунинг натижасида ишлатилаётган пахта целлюлозасининг кимёвий реакцияга киришиш фаоллиги оширилган.

3. Пахта целлюлозасининг кимёвий реакцияларга киришиш қобилиятини оширишда унга юқори кучланишдаги электр импульсларини юбориш усулини яратилди, унга таъсир этувчи кучланиш, конденсатор сиғими ва разряд импульс сонларининг оптимал параметрлари аниқланди.

Яратилган янги технологияда қўлланишга мўлжалланган самарали электролит таклиф этилди.

4. Кимёвий реакцияларга киришиш қобилияти юқори бўлган пахта целлюлозасидан олинган ацетатцеллюлозанинг сифат кўрсаткичларини ўрганиш натижаларига кўра, унинг сифат кўрсаткичи (СК) 9,2 дан 14,9 гача ошишига эришилди.

5. Ҳосил бўлган ацетатцеллюлозадан олинган плёнкаларнинг физик-кимёвий ва механик хусусиятларини ўрганишда, плёнканинг мустаҳкамлиги 13,8 дан 16,5 гача, узилишдаги узунлиги 25,6 % дан 31,1 % гача, икки тамонлама букилишлар сони 2880 дан 3450 гача ошганлиги қайд этилди.

6. Олинган маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларини яхшиланиши билан бир қаторда, чет-элдан валюта эвазига келтирилаётган ёғоч целлюлозасининг ўрнини босувчи, маҳаллий хомашё бўлган, Б тип II-нав пахта линти целлюлозасидан 100 % фойдаланилишга эришилди.

7. Олинаётган ацетатцеллюлоза бугунгача қўлланилаётган филтрлаш жараёнидаги филтрни ҳар соатда 2-3 маротаба алмаштириш жараёни қисқарганлиги ҳисобига 10% гача иқтисодий самараликка эришилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.04.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

МУХИТДИНОВ УМИД ДАВРАНОВИЧ

**РАЗРАБОТКА ИННОВАЦИОННОЙ ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ
ВЫСОКОРЕАКЦИОННО-АКТИВНЫХ ПРИРОДНЫХ ПОЛИМЕРОВ
НА ОСНОВЕ МЕСТНОГО СЫРЬЯ**

02.00.14 – Технология органических веществ и материалы на их основе

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИХ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2018.1.PhD/T560.

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте.

Автореферат диссертации размещена на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице Научного Совета (www.ik-kimyo.nau.uz) а также на информационно-образовательном портале "Ziyonet" (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Сайфутдинов Рамизтдин
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Кадиров Тулкин Джумаевич
доктор технических наук, профессор

Акбаров Хамдам Икрамович
доктор химических наук, профессор

Ведущая организация:

АН РУз Институт общей и неорганической химии

Защита диссертации состоится «28» 08 2021 г. в «10⁰⁰» часов на заседании Ученого совета № DSc.03/30.12.2019.T.04.01. при Ташкентском химико-технологическом институте по адресу: 100011, г. Ташкент, Шайхонтохурский р-н, ул. А.Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-20), факс: (99871) 2447917, e-mail: tkti_info@edu.uz. Административное здание Ташкентского химико-технологического института, 2-этаж, конференц-зал.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института (зарегистрирована за № 21). Адрес: 100011, г. Ташкент, Шайхонтохурский р-н, ул. А.Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-20).

Автореферат диссертации разослан «13» 08 2021 года.
(протокол реестра рассылки № 22 от «13» 08 2021 г.).



[Handwritten signature]

Туробжонов С.М.
Председатель научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

Кадиров Х.И.
Учёный секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

[Handwritten signature]

Рахмонбердиев Г.Р.
Председатель Научного семинара при научном
совете по присуждению учёной степеней,
д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. В мировом масштабе ведутся практические работы по модернизации технологий получения целлюлозы с улучшенными физико-химическими свойствами из хлопкового линта. Из 87,9 тыс. тонн хлопкового линта, производимого ежегодно в стране, 42% непригодны для переработки, поэтому важно разработать и внедрить технологию получения целлюлозы с высокой реакционной способностью.

В мире изучают действие химических веществ на целлюлозу в процессе получения целлюлозы с высокой реакционной активностью наряду с физическими методами. Путем направления на хлопчатобумажную целлюлозу импульсов электрического тока высокого напряжения можно добиться уменьшения кристаллических участков и увеличения аморфных участков в её структуре, в результате чего удалось достичь повышения активности используемой хлопчатобумажной целлюлозы в химической реакции. За счет повышения химической активности и увеличения доли аморфных участков из легко ацетилированной целлюлозы получают различные полимерные плёнки, применяемые в качестве наполнителей для лекарственных препаратов, волокна заменяющие хирургическую нить в области медицины. Ведутся интенсивные научно-исследовательские работы по созданию сырьевой базы для продуктов, таких как целлюлоза и её производные, получаемые из сырья хлопкового линта на замену древесной целлюлозы.

В последние годы в республике проводятся научные исследования по модернизации предприятий химической промышленности, расширению видов и объемов конкурентоспособной продукции, получению целлюлозы и её сложных эфиров на основе местного сырья, применению в химической, фармацевтической, пищевой и бумажной промышленности и в этой сфере достигнуты определенные результаты.

Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определяет задачи «повышения промышленности на качественно новый уровень, глубокой переработки местных источников сырья, ускорения производства готовой продукции, освоения новых видов продукции и технологий»¹. В связи с этим важно использовать эффективные методы для создания инновационных технологий получения целлюлозы с высоко реакционными способностями на основе природных полимеров а также дальнейшее повышение показателей качества ацетатцеллюлозных плёнок.

Данное диссертационное исследование в определенной степени способствует реализации следующих задач, поставленных в решениях и постановлениях и других нормативных актах, относящихся к данной деятельности: в постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-3236 от 23 августа 2017 года «О программе развития химической промышленности на 2017-2021 годы», № ПП-4265 от 3 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему реформированию химической отрасли и повышении её

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан».

инвестиционной привлекательности» № ПП-4302 от 1 мая 2019 г. «О мерах по дальнейшему развитию промышленных корпораций и расширению производства востребованной продукции», а также Указом Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «Стратегия действий о дальнейшем развитии Республики Узбекистан».

Соответствие исследования приоритетам развития науки и технологий республики. Данное исследование проводится в области развития науки и технологий Республики VII. Осуществляется в соответствии с приоритетными направлениями «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. В научно-технической литературе широко освещена информация по получению целлюлозы, её производных, изучению её свойств и технологии производства.

Анализ литературы показывает, что из зарубежных ученых Hernadi Alex, Fejes Ferenc, J.Kovcs, Raba Ruszhali, S.Annus, Helmy A.Samja, I.E.Atchison, L.Jimentz, P.A.Waston, P.A.Bacho, Hernadi Alex, Fejes Ferenc, Bhushan Mazumber Bibhati, Ohtani Yoshito, Same Shima Kazuhiko, Thomas Heinze. В.М.Никитин, Г.Л.Аким, Н.И.Никитин, В.Я.Бытенский, Е.Л.Кузнецова, Г.А.Петропавловский, З.А.Роговин, Н.И.Кленкова, Н.Н.Шоригина, Е.П.Широков, Г.П.Немцова, В.Н.Кряжев, М.П.Козлов, Д.М.Фляте, А.В.Оболенская, З.П.Ельницкая, А.А.Миронов, В.Н.Голубев, И.В.Волкова, Х.Н.Кумаланов и другие исследовали условия получения целлюлозы с улучшенными физико-химическими свойствами и её производных.

В Республики Узбекистан созданы научные школы в области технологии производства хлопковой целлюлозы им. Х.У. Усманова, Т.М. Миркамилова и Т.Ю. Ташпулатова, академики Г.Р. Рахманбердиев, С.Ш. Рашидова, М.Т. Примкулов, Ш.М. Миркамилов, А.А. Сарымсаков, Р.С. Сайфутдинов, Д.Х. Набиев, И.А. Набиева и другие ведут исследования в этой области.

